

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧАНОВ МУЗАФФАРБЕК ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ОҚИШ КАПАЛАКЛАРИ (LEPIDOPTERA:
PIERIDAE) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ
МУАММОЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бекчанов Музаффарбек Худайбергенович

Хоразм воҳаси оқиш капалаклари (Lepidoptera: Pieridae) биоэкологияси
ва уларни сақлаш муаммолари 3

Бекчанов Музаффарбек Худайбергенович

Биоэкология бабочек белянок (Lepidoptera: Pieridae) Хорезмского
оазиса и проблемы их охраны..... 23

Bekchanov Muzaffarбек Худайbergenovich

Bioecology and preservation problems of whitish butterflies (Lepidoptera:
Pieridae) of Khorezm oasis..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКЧАНОВ МУЗАФФАРБЕК ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**ХОРАЗМ ВОҲАСИ ОҚИШ КАПАЛАКЛАРИ (LEPIDOPTERA:
PIERIDAE) БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРНИ САҚЛАШ
МУАММОЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/B158 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдуллаев Икрам Искандарович биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Медетов Махсетбай Жапакович биология фанлари доктори
	Хусанов Алижон Каримович фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ Давлат университети

Диссертация химояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» январ куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232⁶ уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz)

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№26-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232⁶ уй, Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60.

Диссертация автореферати 2019 йил «25» декабрь куни тарқатилди.
(2019 йил «25» декабрдаги 27-рақамли реестр баённомаси)



Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
қотиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қўшиқдаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши қатор экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Инсон томонидан табиатнинг шиддат билан ўзлаштирилиши, эволюция жараёнида ташкил топган табиий биогеоценозлар ва уларнинг таркибий компонентлари – ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллариининг инқирозига сабаб бўлмоқда. Бу эса биохилма-хилликни сезиларли даражадаги талофатларига ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришга ҳавф туғдирмоқда. Шу жиҳатдан ўсимликлар зараркунандалари келтириб чиқарадиган биозарарланишларнинг салбий таъсири дунё қишлоқ хўжалигида 1.4 триллион АҚШ доллари миқёсида баҳоланмоқда ва бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг кескин камайишига олиб келмоқда. Шу сабабли, биологик турлар хилма-хиллиги, ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг миқдорини бошқаришда инновацион услуб ва воситалардан самарали фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда капалаклар туркумининг 165 мингдан ортиқ турлар таркиби қайд этилган. Аксарият турларнинг тарқалиши, био-экологик хусусиятлари, систематикаси ва биогеоценозлардаги роли ҳамда аҳамияти очиб берилган. Бу борада, жумладан, капалакларни табиий ландшафтлар ва агроценозлардаги эстетик ва хўжалик аҳамияти, ҳимояга муҳтож турларнинг камёблик даражаси ва тарқалиш ареаллари аниқланиб, уларни муҳофазалаш чоралари ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, зарарли турлар популяциясини бошқаришнинг замонавий усуллари яратилиб, қишлоқ хўжалигига татбиқ этилмоқда. Шунга кўра, қишлоқ хўжалик экинларининг хавфли зараркунандалари сифатида ҳамда эстетик аҳамиятга эга бўлган оқиш капалаклар – *Pieridae* оиласи вакиллариининг турлар таркибини, тарқалиш мезонларини аниқлаш, популяциялар зичлик динамикаси, айниқса, ушбу ҳашаротларнинг ўсимлик озукасига кўра ихтисослашуви, зарарли ва зарарсиз турларнинг гуруҳларини асослашга бағишланган тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда биохилма-хилликни сақлаш, табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенг кўламли ислохотлар олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ҳайвонот оламини асраш, биоресурслар салмоғини ошириш ҳамда барча ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишга алоҳида диққат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «... атроф-муҳит муҳофазаси, биохилма-хилликни сақлаш, биоресурслардан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни ишлаб

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

чиқиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, оқиш капалакларнинг маданий ўсимликларга салбий таъсирини баҳолаш, доимий турларнинг популяция зичлигини аниқлаш ҳамда эстетик аҳамиятга эга бўлган, камёб турларни муҳофаза қилиш бўйича табақаланган чора тadbирларни Хоразм воҳаси шароитида ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 19 сентябрдаги 408 - сонли “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тadbқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тadbқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тadbқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оқиш – Pieridae оиласи капалакларининг тур таркиби, тарқалиши, био-экологик хусусиятлари, таксономияси, экосистемалардаги роли, маданий ўсимликларни ҳашаротлардан химоя қилиш воситалари тизими бўйича дунё миқёсидаги маълумотлар хорижий олимлар Г.Б.Бей-Биенко (1980), М.С.Гиляров (1984), Ф.Н.Правдин (1984), Ю.П.Коршунов (2002), J.Razowski (2001), Р.Райххолф (2002), Л.Вейберн (2002), А.Л.Львовский, Д.Б.Моргун (2007) ишларида баён этилган. МДХ мамлакатларида оқиш капалакларнинг тарқалиши, фаунаси, экологияси ва зараркундалар ҳамда эстетик аҳамиятга эга гуруҳлар бўйича тadbқиқотлар Ю.Л.Щеткина (1960,1965), Т.Б.Токгачев ва М.А.Даричева (1967), М.И.Фалькович (1979), Е.А.Беляев (1986), Ю.П.Коршунов ва П.Ю.Горбунов (1995), А.Н.Стрельцов (1997), Р.В.Яковлев (2000), Д.Б.Моргун (2002), Е.И.Хамнаева ва Р.М.Амшеев (2003) ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ўзбекистонда оқиш капалаклар фаунаси, тарқалиши ва экологиясига доир қисқача маълумотлар А.В.Крейцберг (1989,1992,1997), Д.А.Азимов, А.А.Бекузин (1993), А.В.Крейцберг, О.Г.Легезин (1996,1997), В.А.Моисеев, А.Г.Давлетшина (1997) лар томонидан олиб борилган. Ушбу тadbқиқотлар Республикаимизнинг айрим ҳудудларида амалга оширилган. Аммо оқиш капалаклар ўзига хос табиий – географик шароитлар билан кескин фарқ қилувчи Хоразм воҳасида мутлақо ўрганилмаган. Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирги кунда оқиш капалакларнинг турлар таркиби, тарқалиш мезонлари,

экологияси ва биоценозлардаги аҳамиятини аниқлаш, керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маданий ўсимликларни улардан химоя қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-А10-ТО37 “Маданий ва иқлимлаштирилган ўсимликларда зараркунанда ҳамда каналарнинг сонини бошқарувчи экологик зарарсиз восита ва усулларни яратиш” (2009-2011) ва Хоразм Маъмун академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф4-Т011 “Хоразм воҳаси полиз агроценози энтомофаунаси ва қовун пашшасининг биоэкологияси” (2009-2011) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси оқиш капалаклари – *Pieridae* оиласининг фаунасини ва турларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш, табиий ва агроценозлардаги аҳамиятини очиб бериш ҳамда табақаланган чора – тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Хоразм воҳаси оқиш капалаклари фаунасининг тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш;
- Хоразм воҳаси оқиш капалаклари доминант турлари популяциясини экологик тавсифлаш;
- Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг биоценотик алоқаларини изоҳлаш;
- Хоразм воҳаси оқиш капалаклари фаунистик гуруҳларининг зоогеографик ҳудудлар бўйича тарқалишини аниқлаш;
- Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг табиий ва агроценозлардаги аҳамиятини очиб бериш;
- Маданий ўсимликлар зараркунандалари гуруҳи ва эстетик аҳамиятли капалакларга нисбатан табақалашган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида оқиш капалаклар оиласи турлари ва уларнинг озиқа ўсимликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети оқиш капалаклар фаунаси, биологияси, экологияси, зоогеографияси ва уларга нисбатан чора тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари диссертацияда зоологик, энтомологик, экологик, картографик, биоценотик ва статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

- Хоразм воҳасидаги табиий ва антропоген ландшафтлари оқиш капалаклари - *Pieridae* оиласининг фаунаси 21 турдан иборатлиги ва 3 та кенжа оила (*Pierinae*, *Dismorphiinae*, *Coliadinae*), 8 та авлодга мансуб эканлиги аниқланган;

- оқиш капалаклар 21 турининг таксономик тавсифи қабул қилинган систематика асосида очиб берилган;

- илк бор Хоразм воҳаси фаунаси учун оқиш капалакларнинг 16 та тури, Ўзбекистон фаунаси учун эса 6 та тури (*Zegris eupheme* Esp., *Leptidea amurensis* Mén., *Leptidea sinapis* L., *Colias myrmidone* Esp., *Colias eurytheme* Bois., *Eurema xantochlora* Kol.) аниқланган;

- оқиш капалак турларининг трофик алоқалари, табиий ва маданий ўсимликлар билан боғлиқлиги ва уларнинг аҳамияти баҳоланган;

- *Pontia daplidice* L., *Colias hyale* L., *Colias myrmidone* Esp. турларининг фенологияси очиб берилган;

- оқиш капалак қуртларининг озиқа ихтисослашиши кенглигига қараб гуруҳланиши Хоразм воҳаси учун уларнинг қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалари сифатида аниқланган;

- оқиш капалакларнинг эстетик аҳамиятга эга гуруҳи аниқланган ва уларнинг муҳофаза қилиниши асосланган;

- оқиш капалакларнинг зоогеографик ҳудудлар бўйича тарқалиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги экинлари учун зарарли бўлган турларни аниқлаш мақсадида “Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунда тангачаканотлилари” мавзусидаги услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

- 12 та камёб ва 1 та эндем турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ (географик ахборот тизими) хариталари яратилган ва уларнинг популяцияларини сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, популяцион маълумотларнинг замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007) ва биотопларда турларнинг тарқалиши, ўхшашликлари Жаккар услубига биноан статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биогеоценозларда учрайдиган Pieridae оиласи оқиш капалакларининг тур таркиби, биоценостик алоқалари ва экологик хусусиятларининг очиб берилганлиги ҳамда тарқалиш мезонларининг аниқланганлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлардан Хоразм воҳаси агроценозларида оқиш капалаклар сонини бошқаришда фойдаланиш, зараркунандаларга қарши курашда ва эстетик аҳамиятга эга турларни муҳофаза қилишда табақаланган чора-тадбирларни такомиллаштириш ва улар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳаси Pieridae оиласи - оқиш капалаклари биоэкологияси ва уларни сақлаш муаммолари мавзуси бўйича олинган натижалар асосида:

Оқиш капалакларнинг айрим захарли турларининг биологияси, экологияси ва захарининг таъсир механизмига оид маълумот ва хулосалар асосида “5140100-биология” бакалаврият таълим йўналиши бўйича “Зоология ва зоотоксиналогия асослари” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Гувоҳнома, №32-034). Натижада бакалаврларнинг зоология ва энтомология соҳаларидаги билимларини бойитиш ва мустақкамлаш имконини берган;

Хоразм воҳаси оқиш капалакларнинг 21 турининг тарқалиши бўйича таснифи ва уларнинг ГАТ хариталари Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 28 январдаги 01/18-1-711-сон маълумотномаси). Натижада кам ва жуда кам тарқалган 13 тур оқиш капалаклари аниқланиб, популяцияларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш имкони яратилган;

Хоразм воҳасида тарқалган оқиш капалаклар оиласига мансуб 15 тур ва кенжа турларига мансуб 129 нусха ҳашарот намуналари Республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига топширилиб, амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 6 августдаги 4/1255-2186-сон маълумотномаси). Натижада ушбу коллекция намуналари Республикаимизнинг турли ҳудудларида тарқалган оқиш капалакларнинг тур таркибини, фаунаси, экологияси ва ландшафтлар бўйича тақсимланишини аниқлаш ҳамда интерактив атлас тайёрлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 6 та халқаро ва 15 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Бундан ташқари 2 та патент, 1 та монография, 1 та энциклопедия, 1 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (6 та Республика ва 1 та хорижий журналларда), 21 та тезис халқаро ва маҳаллий анжуманларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, амалий тавсиялар, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари


тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** – “**Капалаклар Lepidoptera туркуми вакилларининг ўрганилиш ҳолати**” қисмида капалакларнинг ўрганилиш тарихи, биохилма-хиллиги, МДХ давлатлари ҳамда Марказий Осиёнинг чўл ва тоғли ҳудудларида олимларнинг оқиш капалаклар бўйича олиб борган илмий изланишлари ҳамда улар эришган ютуқлар тўғрисида маълумотлар таҳлили келтириб ўтилган.

Диссертациянинг “**Хоразм воҳасининг табиий – географик шароитлари, тадқиқот материаллари ва услублари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий – географик ҳолати ва иқлими, воҳанинг ўсимликлар ва ҳайвонот олами, шунингдек, тадқиқот материаллари ва услублари тўғрисида маълумотлар берилган.

Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида, капалакларнинг тур таркибини аниқлаш ва экологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида тизимли равишда материаллар йиғилган ва таҳлил қилинган.

Кенг миқёсда кўп режали тадқиқотлар Хоразм воҳасининг Хонқа, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида, шунингдек, Қарамази, Ўзбекистон, Чиқирчи, Остона, Гулистон, Сайилхон мироб, Шомохулум, Ширинқўнғирот, Ғозовот - аҳоли яшаш пунктлари; Туямўйин, Акчақўл, Аму-соҳил - сув бўйи ҳудудлари; Хонқаобод, Толлик тўқай, Манғит - тўқай ҳудудлари; А.Навоий, Мискин, Хитой, Эллиққалъа Бўстон - чўл ҳудудлари; Султон Увайс тоғ тизмаси, Қоратау тоғ ҳудудлари ва Қўйи Амударё давлат биосфера резерватларида амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Хоразм воҳасининг оқиш капалаклар йиғилган координаталарининг харита ёрдамида ифодаланиши (Google Earth).

Капалакларни йиғиш борасида эски айрим методлар борки матрап ёрдамида йиғиш, қуртларни йиғадиган камар, алдамчи хўрак солинган тоғорака каби методлар капалаклар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун етарли эмас. Ҳозирги кунда учувчи ҳашаротларни овлашга мўлжалланган анча такомиллашган методлар, жиҳозлар ва жалб қилувчи аттрактантлар: ёруғлик (ижобий фототаксис), ароматик ва горманал моддалар (хемотаксис) ҳам мавжуд. Ҳашаротларни энг кўп овлаш уларнинг жинсий кўпайиш даврига тўғри келади, яъни бу вақтда уларнинг учиши фаоллашади. Шунинг учун янги методлардан кенг фойдаланилган.

Қотиб қолган ҳашарот танасини юмшатиш мақсадида G.Jurzitza (1975) методидан фойдаланилган.

Турлар сонини аниқлаш бўйича эксперт баҳолаш А.П.Кузякин ва Л.Н.Мазин (1993) таклиф этган услуб бўйича олиб борилган.

Йиғилган оқиш капалакларнинг тур таркибини аниқлашда махсус атлас ва аниқлагичлардан фойдаланилган.

Оқиш капалакларнинг қуртлари учрайдиган ўсимлик турларини “Определитель растений Средней Азии“ ва “Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи” ва ўсимликлар ҳақидаги Ўзбекистон “Қизил китоб”и ёрдамида аниқланган.

Статистик таҳлиллар Г.Ф.Лакин (1990) услубига асосланган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг “**Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг таксономик таснифи**” деб номланган учинчи бобида оқиш капалаклар оиласига тавсиф бериб ўтилган бўлиб, Хоразм воҳасида тарқалган оқиш капалаклар оиласининг таксономик шарҳи ҳамда оқиш капалакларнинг морфологик хусусиятлари келтириб ўтилган (1-жадвал).

Айрим зараркунанда турларнинг фенологик хариталари ишлаб чиқилган.

1-жадвал

Оқиш капалаклар қанотларининг морфометрик кўрсаткичлари

№	Турлар	Ушланган намуналар	Қанотлари, мм	
			Лимитлари, мм	M±m
1	<i>Pieris brassicae</i>	131	37-49	43.72±0.21
2	<i>Pieris rapae</i>	243	33-41	36.36±0.11
3	<i>Pieris napi</i>	30	43-47	47.56±0.51
4	<i>Pontia daplidice</i>	44	39-51	43.82±0.47
5	<i>Colias hyale</i>	199	33-40	36.82±0.12
6	<i>Colias erate</i>	146	44-50	46.76±0.11

Бундан ташқари, Оқиш капалаклар Pieridae оиласи вакилларининг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг “**Хоразм воҳаси оқиш капалаклар фаунаси ва экологияси**” деб номланган тўртинчи бобида Хоразм воҳаси оқиш

капалаклар фаунасининг замонавий таркиби келтириб ўтилган. Бунга кўра, Хоразм воҳаси табиий ва агроценозларида оқиш капалакларнинг 3 та кенжа оилага 8 та авлодга мансуб 21 тури қайд қилинган (2-жадвал).


2-жадвал

Оқиш капалаклар фаунасининг структураси


Оила номи	Кенжа оила	Тур
Pieridae (Duponchel, 1835)	Pierinae (Duponchel, 1835)	<i>Aporia crataegi</i> (L, 1758)
		<i>Anthocharis cardamines</i> (L, 1758)
		<i>Zegris fausti</i> (Chr, 1876)
		<i>Zegris pyrothoe</i> (Evers, 1832)
		<i>Zegris eupheme</i> (Esper, 1804)
		<i>Pieris brassica</i> (L, 1758)
		<i>Pieris napi</i> (L, 1758)
		<i>Pieris rapae</i> (L, 1758)
		<i>Pontia daplidice</i> (L, 1758)
		<i>Pontia edusa</i> (Fab, 1777)
		<i>Pontia chloridice</i> (Hub, 1813)
	Dismorphiinae (Schatz 1887)	<i>Leptidea amurensis</i> (Mén, 1859)
		<i>Leptidea sinapis</i> (L, 1758)
	Coliadinae (Swainson, 1827)	<i>Colias croceus</i> (Geof.Four, 1807)
		<i>Colias chrysotheme</i> (Esp, 1781)
		<i>Colias erate</i> (Esp, 1804)
		<i>Colias hyale</i> (L, 1758)
		<i>Colias paleano</i> (L, 1758)
		<i>Colias myrmidone</i> (Esp, 1781)
		<i>Colias eurytheme</i> (Bois, 1852)
		<i>Eurema xantochlora</i> (Kollar, 1850)
1	3	21

Бундан ташқари, оқиш капалакларнинг Хоразм воҳаси оқиш капалаклари (*Pieridae*) фаунаси хар бир турининг озиқага ихтисослигига кўра экологик гуруҳларга ажратилган.

Бунда монофаглар 14.28%, олигофаглар 47.61% (кенг олигофаглар 33.33%, тор олигофаглар 14.28%), полифаглар 23.8%, озиқаси номаълум турлар 14.28% ни ташкил қилди. Буларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, озиқага ихтисослашиш кенглигига қараб гуруҳланишида олигофаг турлар доминантлик қилди (2, 3-расм).




2-расм. Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг озиқага ихтисослигига кўра тақсимланиши



3-расм. Олигофагларнинг ўсимлик оилалари билан озиқланиши

Оқиш капалаклар турларининг озуқа ўсимликлар ҳаётининг шаклига қараб гуруҳланиши, Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг озуқа ихтисослашиши, яъни кўпчилиги озиқланадиган ўсимликларнинг асосий ҳаёт шакллари билан боғлиқ ҳолда фитофаглар қуйидаги гуруҳларга ажратилди (4-расм).




4-расм. Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг ўсимликлар ҳаётини шаклига қараб тақсимланиши

Бундан ташқари, Хоразм воҳаси шароитида оқиш капалакларнинг фенологик гуруҳлари ва аспекти И.В. Кожанчиков (1958) томонидан ишлаб чиқилган ва М.И. Фалькович (1979) томонидан қайта ишланган усуллар бўйича олиб борилган. Оқиш капалакларнинг учинчи даврийлиги таҳлил қилинган ва фенологик гуруҳ ва аспектига ажратилган.

Оқиш капалаклар ҳаётини циклининг асосий харақтеристикаси

Олиб борилган фенологик кузатувлар ҳамда адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг фаунасининг ривожланиш цикли қуйидаги 3 та асосий гуруҳга ажратилган (5-расм):

Моновольтин турлар; Бивольтин турлар; Поливольтин.



5-расм. Оқиш капалакларининг фенологик гуруҳлари

Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг ландшафтлар бўйича тақсимланиши қисмида Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг имагосининг ландшафтларда тарқалиши уларнинг озуқа ихтисослигига, ҳаёт тарзига, географик ва экологик муҳитга мослашишига боғлиқ бўлади. Ўрганилаётган ҳудуд шартли равишда қуйидагича ландшафтларга тақсимланди (3-жадвал):

Оқиш капалакларнинг ландшафтлар бўйича тақсимланиши

№	Тур номи	Тоғ	Чўл	Тўқай	Тўқай - чўл	Агроцен оз	Кўл бўйи
1	<i>Aporia crataegi L.</i>	+					
2	<i>Zegris Fausti Chr</i>		+				
3	<i>Zegris eupheme Esp</i>		+				
4	<i>Zegris pyrothoe Evers</i>		+				
5	<i>Anthocharis cardamines L</i>					+	
6	<i>Pieris brassicae L.</i>	+	+	+	+	+	+
7	<i>Pieris napi L.</i>	+	+	+	+	+	+
8	<i>Pieris rapae L.</i>	+	+	+	+	+	+
9	<i>Pontia daplidice L.</i>		+	+		+	
10	<i>Pontia edusa Fab</i>			+		+	
11	<i>Pontia chloridice Hub</i>			+			
12	<i>Leptidea amurensis Men</i>					+	
13	<i>Leptidea sinapis L</i>					+	
14	<i>Colias croceus Gof. Four</i>		+	+		+	
15	<i>Colias chrysotheme Esp</i>		+			+	
16	<i>Colias erate Esp</i>				+	+	+
17	<i>Colias hyale L.</i>	+	+	+	+	+	+
18	<i>Colias palaeno L.</i>			+			
19	<i>Colias myrmidone Esp</i>			+	+	+	+
20	<i>Colias eurytheme Bois</i>		+				
21	<i>Eurema xantochlora Kol</i>		+				
Жами:		5	12	10	6	13	6

Хоразм воҳаси оқиш капалаклар фаунасининг асосий гуруҳларини агроценозда учрайдиган турлар (13 тур) 61.9% ни ташкил қилди.

Хоразм воҳасининг турли хил ландшафтлардаги тур таркиби ҳақидаги маълумотлар асосида уларнинг фаунистик мажмуалари таққосланди.

Ўхшашлик даражаси билан таққослаш учун Жаккар коэффиценти қўлланилди:

Хоразм воҳаси биотопларида учраган оқиш капалаклар Lepidoptera фаунасининг ўхшашлиги ва фарқи таққосланди ҳамда ўхшашлик даражалари ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

Хоразм воҳаси худудларида тарқалган оқиш капалаклар турларининг ўхшашлиги (Жаккард индекси асосида)

	Чўл	Тўқай	Тоғ	Кўл бўйи	Тўқай чўл	Агроценоз
Чўл	X					
Тўқай	0,37	X				
Тоғ	0,31	0,36	X			
Кўл бўйи	0,28	0,45	0,57	X		
Тўқай чўл	0,28	0,45	0,57	1	X	
Агроценоз	0,38	0,53	0,28	0,46	0,46	X

Бу жадвалда турларнинг тарқалиши бўйича Кўл бўйи ва Тўқай чўл биотопларида 100 % ўхшашлик қайд қилинди. Энг кам ўхшашлик эса Чўл биотопи билан Кўл бўйи ва Тўқай чўл биотоплари орасида ҳамда Тоғ ва агроценозларда кузатилди.

Хоразм воҳаси худуди оқиш капалаклари ривожланишининг йиллик цикллари типологияси Фалькович таклиф қилган усул бўйича олиб борилди. Бунда диапаузалар йил фаслларига ва онтогенетик фазаларга мослаштирилди, шунингдек, йил давомидаги насллар сони аниқланди. Бундан ташқари, Хоразм воҳаси оқиш капалаклари имаголарининг тутилган нусхалар сони бўйича учуш динамикаси ўрганилди (5- жадвал).

5- жадвал

Оқиш капалакларнинг соатлар бўйича ушланган намуналари

№	Турларнинг номи	Ушланган умумий сони	Оқиш капалак имаголарининг учуш фаоллиги								
			7 ⁰⁰ - 8 ⁰⁰	9 ⁰⁰ - 10 ⁰⁰	10 ⁰⁰ - 11 ⁰⁰	11 ⁰⁰ - 12 ⁰⁰	12 ⁰⁰ - 13 ⁰⁰	13 ⁰⁰ - 14 ⁰⁰	14 ⁰⁰ - 15 ⁰⁰	15 ⁰⁰ - 16 ⁰⁰	16 ⁰⁰ - 17 ⁰⁰
1	<i>Aporiacrataegi</i>	2♂ 3♀		0♂ 1♀	0♂ 1♀	2♂ 0♀		0♂ 1♀			
2	<i>Anthocharis cardamines</i>	1♂ 0♀			1♂ 0♀						
3	<i>Zegris fausti</i>	2♂ 0♀				1♂ 0♀		1♂ 0♀			
4	<i>Zegris pyrothoe</i>	1♂ 0♀		1♂ 0♀							
5	<i>Zegris eupheme</i>	1♂ 0♀				1♂ 0♀					
6	<i>Pieris brassicae</i>	60♂ 72♀	5♂ 7♀	6♂ 9♀	8♂ 10♀	13♂ 10♀	9♂ 12♀	10♂ 8♀	7♂ 10♀	2♂ 3♀	0♂ 3♀
7	<i>Pieris napi</i>	8♂ 23♀		1♂ 0♀	4♂ 0♀	0♂ 7♀	0♂ 10♀	0♂ 5♀	1♂ 1♀	2♂ 0♀	
8	<i>Pieris rapae</i>	156♂ 88♀	9♂ 6♀	20♂ 16♀	25♂ 8♀	25♂ 16♀	23♂ 20♀	30♂ 4♀	12♂ 10♀	8♂ 3♀	4♂ 5♀
9	<i>Pontia daplidice</i>	10♂ 35♀			1♂ 0♀	0♂ 7♀	5♂ 10♀	0♂ 9♀	2♂ 5♀	2♂ 1♀	0♂ 3♀
10	<i>Pontia edusa</i>	5♂ 2♀			2♂ 0♀	0♂ 2♀	0♂ 0♀	2♂ 0♀	1♂ 0♀		

11	<i>Pontia chloridice</i>	1♂ 0♀				1♂ 0♀						
12	<i>Leptidea amurensis</i>	0♂ 1♀			0♂ 1♀							
13	<i>Leptidea sinapis</i>	1♂ 0♀						1♂ 0♀				
14	<i>Colias croceus</i>	14♂ 0♀			3♂ 0♀	5♂ 0♀	1♂ 0♀	3♂ 0♀	2♂ 0♀			
15	<i>Colias chrysotheme</i>	9♂ 15♀		1♂ 0♀	1♂ 3♀	2♂ 3♀	3♂ 4♀	0♂ 3♀	2♂ 2♀			
16	<i>Colias erate</i>	91♂ 111♀		4♂ 10♀	11♂ 18♀	10♂ 21♀	38♂ 10♀	19♂ 22♀	9♂ 10♀	0♂ 14♀	0♂ 6♀	
17	<i>Colias hyale</i>	125♂ 181♀	5♂ 0♀	13♂ 10♀	10♂ 32♀	15♂ 30♀	25♂ 28♀	11♂ 39♀	11♂ 20♀	22♂ 11♀	13♂ 11♀	
18	<i>Colias palaeno</i>	7♂ 3♀		2♂ 0♀		3♂ 1♀		1♂ 2♀	1♂ 0♀			
19	<i>Colias myrmidone</i>	38♂ 12♀		3♂ 0♀	4♂ 2♀	21♂ 0♀	0♂ 4♀	10♂ 1♀	0♂ 3♀		0♂ 2♀	
20	<i>Colias eurytheme</i>	1♂ 0♀					1♂ 0♀					
21	<i>Eurema xantochlora</i>	1♂ 0♀						1♂ 0♀				
	Жами:	1080	534♂ 546♀	19♂ 13♀	51♂ 46♀	70♂ 75♀	99♂ 97♀	105♂ 98♀	89♂ 94♀	48♂ 61♀	36♂ 32♀	17♂ 30♀
	%		♂ 49.5%	59%	53%	48%	50%	52%	48%	44%	53%	36%
			♀ 50.5%	41%	47%	52%	50%	48%	52%	56%	47%	64%

Хоразм воҳаси оқиш капалаклари мавсумий учиши соатлар бўйича таҳлил қиланганда, оқиш капалаклар эрталабки соат 7⁰⁰дан 8⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида ушланган намуналарнинг умумий сони 19♂,13♀ капалакка тўғри келди. Соат 9⁰⁰ дан 10⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 51♂,46♀ та намуна, 10⁰⁰дан 11⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 70♂,75♀ та намуна, 11⁰⁰ дан 12⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 99♂,97♀ та намуна, 12⁰⁰ дан 13⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 105♂, 98♀ та намуна, 13⁰⁰ дан 14⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 89♂,94♀ та намуна, 14⁰⁰ дан 15⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида 48♂, 61♀ та намуна, 15⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача вақт оралиғида 36♂, 32♀ та намуна, 16⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида эса 17♂, 30♀ та намуна йиғишга эришилган.

Шундай қилиб, оқиш капалакларнинг учиш фаоллигининг юқори чўққиси эрталабги соат 10⁰⁰ дан 16⁰⁰ гача эканлиги аниқланди.

Бу вақт оралиғида *Pieris brassicae*, *Pieris napi*, *Pieris rapae*, *Pontia daplidice*, *Colias erate* ва *Colias hyale* капалаклари бир мунча кўпроқ миқдорда учраши кузатилди. *Anthocharis cardamines*, *Zegris fausti*, *Zegris pyrothoe*, *Zegris eupheme*, *Pontia chloridice*, *Leptidea amurensis*, *Leptidea sinapis*, *Colias eurytheme*, *Eurema xantochlora* жуда кам миқдорда учради.

Диссертациянинг “Оқиш капалакларнинг географик тарқалиши ва аҳамияти” деб номланган бешинчи бобида оқиш капалакларнинг зоогеографик таҳлили келтириб ўтилган (6-жадвал).


Оқиш капалакларнинг зоогеографик тарқалиши

№	Капалак турлари	Зоогеографик вилоятлар					
		Палеарктик а	Неарктика	Эфиопия	Индо- Малай	Неотропик	Австралия
Pierinae кенжа оиласи							
1	<i>Aporia crataegi</i>	+					
2	<i>Anthocharis cardamines</i>	+					
3	<i>Zegris fausti</i>	+					
4	<i>Zegris pyrothoe</i>	+					
5	<i>Zegris eupheme</i>	+					
6	<i>Pieris brassica</i>	+			+		
7	<i>Pieris napi</i>	+	+				
8	<i>Pieris rapae</i>	+				+	+
9	<i>Pontia daplidice</i>	+					+
10	<i>Pontia edusa</i>	+					
11	<i>Pontia chloridice</i>	+					
Dismorphinae кенжа оиласи							
12	<i>Leptidea amurensis</i>	+					
13	<i>Leptidea sinapis</i>	+					
Coliadae кенжа оиласи							
14	<i>Colias croceus</i>	+					
15	<i>Colias chrysotheme</i>	+					
16	<i>Colias erate</i>	+					
17	<i>Colias hyale</i>	+					
18	<i>Colias paleano</i>		+				
19	<i>Colias myrmidone</i>	+					
20	<i>Colias eurytheme</i>		+				
21	<i>Eurema xantochlora</i>			+			
Жами:		18	3	1	1	1	2

Хоразм воҳаси оқиш капалаклари фаунасининг асоси Палеарктик турлардан ташкил топганлиги қайд этилди (6, 7-расм).



6-расм. Хоразм воҳаси оқиш капалаклар турларининг зоогеографик вилоятлардаги нисбати



7-расм. Голарктик турларнинг тақсимланиши

Палеарктик турлар тақсимланишига кўра доминантлик қилиб 18 тани ташкил қилди.

Бундан ташқари, бу бобда оқиш капалакларнинг табиий ландшафтлар ва агроценозлардаги аҳамияти ҳамда оқиш капалакларни муҳофаза қилиш чоралари келтириб ўтилган.

Бунга кўра, химояга муҳтож турлар аниқланиб, уларнинг биоэкологик хусусиятлари ўрганилди ва камёблик даражаси, уларнинг тарқалиш ареали аниқланди, муҳофаза чоралари ишлаб чиқилиб, камёблик сабаблари аниқланди. (13 тур) *Colias chrysotheme* Esp, *Colias palaeno* L, *Colias croceus* Fourcroy, *Zegris Fausti* Chr, *Leptidea amurensis* Mén., *Leptidea sinapis* L, *Eurema xantochlora* Koll, *Zegris eupheme* Esp, *Colias eurytheme* Bois, *Pontia edusa* Fab, *Pontia chloridice* Hub, *Zegris pyrothoe* E, *Anthocharis cardamines* L.

Хоразм вилояти Хонқа тумани Ал-Хоразмий ҳудудида табиий биохилма-хилликни сақлаш мақсадида “Фаунани сақлаш” МЧЖ ташкил қилинган ва бу ҳудудда учровчи ҳайвонларнинг табиий шароитда кўпайиши ўрганилмоқда. Кузатишлар натижасида (2009 – 2012 йиллар) ушбу ҳудудда турлар сонининг камлиги кузатилган. 2014 йилда “Фаунани сақлаш” МЧЖ ташкил қилингандан кейин 2014 – 2018 йилларда айрим турларнинг учрашида ўзгаришлар аниқланган. Ушбу олинган натижаларни таҳлил қилиш К.Фасулатти таклиф қилган услуб бўйича олиб борилган. Бунга кўра:

Берилган намуналар нисбий сонининг ўрганилган намуналар умумий сонига нисбатан кўрсаткичидир.

$$P = 100n / N$$

Бу ерда n – тур топилган намуналар , N – текширилган намуналарнинг умумий сони (7-жадвал).

“Фаунани сақлаш” МЧЖ фаолиятидан олинган натижалар

№	Турнинг номи	2009-2012 йй			2014-2018 йй		
		n	N	%	n	N	%
1	<i>Pontia daplidice</i>	5	15	33,33	10	15	66,67
2	<i>Colias myrmidone</i>	9	23	39,13	14	23	60,87
3	<i>Colias hyale</i>	14	46	30,438	32	46	69,56

Ушбу жадвалдаги натижалар, Хоразм воҳаси оқиш капалакларига мансуб бўлган 3 та турнинг (*Pontia daplidice*, *Colias myrmidone*, *Colias hyale*) агроценознинг табиий биоценозга айлантирилиши ва бу ҳудудда кимёвий препаратлар қўлланилиши олдини олиш ҳамда табиий биоценозларни сақлаб қолиш – муайян турлар сонининг ортиши кузатилган.

Шунингдек, ушбу ҳудудда тарқалган ҳайвонлар турларининг камайиб кетмаслиги учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳозирги вақтда ноёб капалак турларини муҳофаза қилиш энг долзарб масалалардан ҳисобланиб, уларни асраб қолиш ва популяциялар сонини кўпайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Биринчи навбатда, турларнинг яшаш жойини сақлаш; ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида турган турларни коллекционерлар тарафидан ушланишининг олдини олиш;

- уларнинг яшаш жойларини, шу билан биргаликда, табиий ҳудудларда кўрикхона ва буюртмаҳоналар ташкил этиш;

- камёб ва йўқолиб кетиш арафасида турган турларни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий аҳоли орасида кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

- биохилма-хилликни, капалакларни сақлаш борасида кенг аҳоли орасида табиатни муҳофаза қилишни тарғиб қилиш мақсадида телевидение, радио ва маҳаллий нашрлардан фойдаланиш лозим.

ХУЛОСАЛАР

“Хоразм воҳаси оқиш капалаклари (Lepidoptera: Pieridae) биоэкологияси ва уларни сақлаш муаммолари” мавзусидаги фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Хоразм воҳаси табиий иқлим шароитида Pieridae оиласи капалаклари таксономик таркиби, 3 та кенжа оила ва 8 авлодга мансуб 21 турни ташкил этади.

2. Аниқланган оқиш капалакларнинг Хоразм воҳаси фаунаси учун 16 та тури, шунингдек, Ўзбекистон фаунаси учун 6 та тури (*Zegris eupheme* Esp., *Leptidea amurensis* Mén., *Leptidea sinapis* L., *Colias myrmidone* Esp., *Colias eurytheme* Bois., *Eurema xantochlora* Kol.) илк бор қайд қилинди.

3. Pieridae капалаклар фаунаси кенжа оилалар таркиби турлича бўлиб, унга кўра, Pierinae кенжа оиласи – 11 турдан, Coliadinae кенжа оиласи 8 ва Dismorphunae кенжа оиласи 2 турдан ташкил топган.

4. Турлар таркиби бўйича, популяциялар сони кўрсаткичлари бўйича оқиш капалаклар фаунаси Хоразм воҳаси шароитида Pierinae ва Coliadinae кенжа оилалари (19 тур, доимий фаунанинг 90.4%) асосида шаклланганлигидан далолат беради.

5. Хоразм воҳасида аниқланган 21 турга мансуб оқиш капалаклар популяциялари биоценозларда ва агроценозларда тарқалган ҳамда улар 7 оиланинг 50 дан зиёд ўсимлик турлари билан озиқланиши маълум бўлди.

6. Оқиш капалакларнинг тарқалиши ландшафтлар билан боғлиқлиги бўйича янги маълумотлар олинган, уларнинг тоғ тизмаларида 5 тури, чўлларда 12, тўқайзорларда 10, тўқай-чўлларда 6, кўл бўйларида 6 ва агробиоценозларда 13 тури аниқланган.

7. Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг экологик хусусиятлари асосида уларнинг озиқланиш ихтисослиги ва яшаш шароитларга мослашуви фарқланди ҳамда фенологик календарлари ишлаб чиқилди.

8. Озиқланиш ихтисослиги бўйича Хоразм воҳаси оқиш капалакларининг 5 тури полифаглар, олигофаглар – 10 ва монофаглар – 3 турлардан иборат. Яшаш шароитларига мослашувида – дендробионтлар, тамнобионтлар, хамебионтлар, хортобионтлар каби экологик гуруҳларни ташкил этади.

9. Оқиш капалакларнинг биологик ва фенологик хусусиятлари асосида уларнинг Моновольтин, Бивольтин ва Поливольтин насл бериш гуруҳларига мансублиги аниқланди. Имаголар мавсумий учиш даври бўйича баҳорги, баҳорги-ёзги, ёзги ва баҳорги-ёзги-кузги гуруҳларга мансублиги асосланади.

10. Хоразм воҳасида аниқланган оқиш капалаклар фаунаси зоогеографик тақсимланишига кўра, палеарктик ва неарктик регионларга мансуб бўлиб, палеарктик турлар 18 та ва неарктик турлар 3 та, Эфиопия, Индо-Малай, неотропик регионларидаги турлар 1 тадан, Австралия регионига хос турлар эса 2 тани ташкил этади.

11. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар асосида Pieridae оиласи фаунаси, асосан палеарктик ва неарктик регионларга мансублиги, ушбу ҳашаротларнинг ташкил топиши ва тарқалиши бир неча марказларда амалга ошганлиги билан изоҳланади.

12. Хоразм воҳаси шароитида аниқланган 21 капалак турлари аҳамиятига нисбатан 2 гуруҳга мансуб. Хусусан, *Zegris fausti* Chr, *Z.pyrothoe* Evers, *Z.eupheme* Esp, *Leptidea amurensis* Men, *L.sinapis* L, *Colias eurytheme* Bois, *C.paleano* L, *C.myrmidone* Esp, *C.croceus* Geof.Four, *C.chrysotheme* Esp, *Eurema xantochlora* Kol тури фойдали ва *Pieris brassicae* L, *P.rapae* L, *P.napi* L, *Colias hyale* L, *C.erate* Esp, *Aporia crataegi* L, *Pontia daplidice* L тури эса зараркунандалар сифатида қайд этилди.

13. Фойдали турларни муҳофаза қилиш ва зараркунандалар сонини бошқариш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш асосланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 29.08.2017.В.52.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕКЧАНОВ МУЗАФФАРБЕК ХУДАЙБЕРГЕНОВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ БАБОЧЕК БЕЛЯНОК (LEPIDOPTERA: PIERIDAE)
ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА И ПРОБЛЕМЫ ИХ ОХРАНЫ**

03.00.06 – Зоология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/B158.

Диссертационная работа выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.zoology.uz) и в информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Абдуллаев Икрам Искандарович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Медетов Махсетбай Жапакович**
доктор биологических наук

Хусанов Алижон Каримович
доктор философский наук (PhD), доцент

Ведущая организация: **Каракалпакский Государственный университети**

Защита диссертации состоится «17» января 2020 г. в «16⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc 29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом. 232^б. Зал заседаний Института зоологии. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoologiya@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института зоологии (зарегистрировано за № 26). Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, д. 232^б, Тел.: (+99871) 289-04-65).

Автореферат диссертации разослан «25» декабря 2019 года.
(реестр протокол рассылки № 27 от «25» декабря 2019 года)



Д.А. Азимов
Д.А. Азимов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., профессор, академик

Г.С. Мирзаева
Г.С. Мирзаева
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Э.Б. Шакарбоев
Э.Б. Шакарбоев
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день резкое изменение окружающей среды в мировом масштабе приводит к ряду экологических проблем. Быстрое освоение природных богатств со стороны человечества становится причиной кризиса природных биогеоценозов, образованных в процессе эволюции и их составных компонентов – растительного и животного мира. Это создает значительную угрозу для биоразнообразия и сельскохозяйственного производства. Негативное воздействие биоповреждений, вызываемое вредителями культурных растений, оценивается в 1,4 триллиона долларов США в мировом сельском хозяйстве, что привело к резкому сокращению мирового ВВП. Поэтому эффективное использование инновационных методов и средств при управлении биоразнообразием видов, специфичности и их количества имеет важное научно-практическое значение.

В мире зарегистрировано более 165 000 видов отряда Бабочек. Выявлены их распространение, даны биоэкологические характеристики, систематика, роль и значение в биогеоценозе. В связи с этим, определяются степень редкости и ареал распространения эстетических и хозяйственно полезных и редких видов в естественных ландшафтах и агроценозах, а также разрабатываются меры по их охране. Вместе с тем, создаются современные методы контроля численности вредителей и внедряются в сельское хозяйство. Исходя из этого, имеют важное научно-практическое значение исследования по определению видового состава, критериев распространения, динамики плотности популяций, специализация по пищевым растениям, обоснование групп вредных и безвредных видов бабочек белянок рода Pieridae, относящихся к вредителям сельскохозяйственных культур и имеющих эстетическое значение.

В Республике особое внимание обращено сохранению биоразнообразия, охране естественных территорий, проведению широкомасштабных реформ в сельском хозяйстве. При этом, охрана животного мира, повышение доли биоресурсов и защита культурных растений от вредителей постоянно находятся в центре внимания. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определено¹ «... охрана окружающей среды, сохранение биоразнообразия, рациональное использование биоресурсов и модернизация сельского хозяйства, развитие устойчивых к болезням сортов». Исходя из этих заданий, особое научно-практическое значение имеет оценка вредного воздействия на культурные растения, определение плотности популяций постоянных видов и разработка дифференцированных мер охраны редких, имеющих эстетическое значение видов бабочек белянок в Хорезмском оазисе.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан от 19 сентября 2016 года №408 “Об охране и использовании животного мира”, постановлением Президента Республики Узбекистан от 24 октября 2016 года ПП-2640 “О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства”, Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями науки и технологии V. “Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Научные исследования в мировом масштабе о видовом составе, распространении, био-экологических свойствах, таксономии бабочек белянок семейства Pieridae, их роли в экосистемах, о системах средств защиты культурных растений от насекомых проводились зарубежными учеными Г.Б.Бей-Биенко (1980), М.С.Гилярова (1984), Ф.Н.Правдина (1984), J.Razowski (2001), Ю.П.Коршунова (2002), Р.Райххольфа (2002), Л.Вейберна (2002), А.Л.Львовского, Д.Б.Моргуна (2007). Исследования по распространению, фауне и экологии бабочек белянок в странах СНГ, вредителей и групп с эстетическими значениями приведены в работах Ю.Л.Щеткиной (1960,1965), Т.Б.Токгачева и М.А.Даричева (1967), М.И.Фальковича (1979), Е.А.Беляева (1986), Ю.П.Коршунова и П.Ю.Горбунова (1995), А.Н.Стрельцова (1997), Р.В.Яковлева (2000), Д.Б.Моргуна (2002), Е.И.Хамнаевой и Р.М.Амшеева (2003) и др.

